

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 4

24 Март 2022 йил

Гулистон ш.

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар ҳокимияти номидан Низом асосида иш кўрувчи Гулистон шаҳар ҳокимиятининг биринчи ўринбосари Ғ.Ботиров бир томондан ва "Asl usta stroy" МЧЖ кейинги ўринда "Пудратчи" деб юритиладиган номидан Низом асосида иш кўрувчи корхона раҳбари Р.Юлдашев иккинчи томондан Гулистон шаҳар ҳокимлиги Шодлик МФЙ И.Каримов кўчаси 41 уй Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ қабулхона биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:
Гулистон шаҳар ҳокимлиги Шодлик МФЙ И.Каримов кўчаси 41 уй Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ қабулхона биносини жорий таъмирлаш – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган объект.

II. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Гулистон шаҳар ҳокимлиги Шодлик МФЙ И.Каримов кўчаси 41 уй Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ қабулхона биносини жорий таъмирлаш лойиҳада қўзда тутилган объектни бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, Гулистон шаҳар ҳокимлигининг 2022 йил 18 мартдаги № 41812 лот рақами билан баённома асосан НДС билан 29 900 000 (йигирма тўққиз миллион тўққиз юз минг) сўм бўлиб, Гулистон шаҳар ҳокимлиги ва "Asl usta stroy" МЧЖ ларнинг ўзаро келишув битимига асосан барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманиннг II бўлимда назарда тутилган ишларини бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга I-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари (бош пудратчи ташкилотининг иш ҳажми 50 фоздан кам бўлмаслиги керак) ёки жалб қилинган кучлар бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
Жорий таъмирлаш жараёнида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер учаскасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларининг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур гарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

6. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура- курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайт этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун давомида Пудратчига ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

7. Пудратчи биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

8. Томонларнинг келишувига мувофиқ курилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 15 кунни ташкил этади

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР.

9. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фозини миқдорида аванс ўтказиши, бу 8 970 000 (саккиз миллион тўққиз юз етти миң) сўмни ташкил этади

10. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган аванс мутаносиб равишда ушлаб қолиниши ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фозини миқдорида амалга оширилади.

11. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

12. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани биё томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хал тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

13. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини-техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номида бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назорати амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонида фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

14. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсқисиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

15. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонида ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни хал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

16. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларнинг уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ.

17. Пудратчи ишлар бошланишидан жорий таъмирлаш тугалланган объект буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар объектни зарур даражада қўриқланиши таъминлайди.

18. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

19. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевоқиф таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

20. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

21. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШНИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШИ.

22. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибда мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин амалга оширилади.

23. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

24. Пудратчи жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос қилиниши ёзма равишда тасдиқлаш керак.

25. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. КАФОЛАТЛАР

26. Пудратчи: Барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда жорий таъмирлаш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

узи томонидан жорий таъмирлаш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилаган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва усқуналарнинг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

27. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-усқуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар қурилиши туганланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзоланган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг қафолатли муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

28. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддат нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан усқуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган қафолат суммаси Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

29. Буюртмачи Пудратчи томонидан сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилган ишлар ҳажмини инвестордан маблағ қилиб тушгандан сўнг 3 кун ичида тўлаб беришни қафолатлайди.

XIII. ШАРТНОМА БЕКОР ҚИЛИШ

30. Буюртмачи шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда. Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда.

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даража бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

31. Пудратчи ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб ҳуқуқига эга.

32. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

33. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга езма билдиришинома юборади.

34. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

35. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИК.

36. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқоролар кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

37. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартномага шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

38. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,4 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

39. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод қилмайди.

40. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва кондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи "Даврархитектқурилишназорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

41. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

42. Муддат ўтказиб юборганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

43. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Сирдарё вилояти хужалик суди томонидан кўриб чиқилади.

XVI АЛОХИДА ШАРТЛАР

44. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

45. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

46. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

48. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

49. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусxada тузилди ва шартнома Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан утказилган кундан кучга киради, 2022 йил 31 декабрғача амал қилади.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

БҮЮРТМАЧИ:

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар ҳокимлиги
Манзил_ Гулистон шаҳри И.Каримов кучаси 35 уй
тел +99867-225-46-10 факс 225-46-10
СТИР 200322685 ОКОНХ 97600
ш/х 100022860244017011204018020
МБ Тошкент ш. ББ ХККМ.
Гулистон шаҳар. Ғазначилик бошқармаси
х/р 23402000300100001010 МФО 00014
ИНН 201122919

Ғ.Ботиров



МП

ПУДРАТЧИ :

"Asl usta stroy" МЧЖ
Манзил: Гулистон шаҳар Маданият МФЙ Тўйчибоев кўчаси 10 уй
Тел. +99867-277-31-34
х/р 20 208 000 9054 4563 4001
АТБ «Ўзсаноат қурилиш банк» Сирдарё минтақавий филиали
МФО 00855 ИНН 308 932 044 ОКОНХ


Р.Юлдашев



МП

Handwritten signature and date: 10.11.2022

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SIRDARYO VILOYAT
GULISTON SHAHRI
HUJANAZAROV-39 kuchasi
ALI ADONIS PLYS M Ch J



tel. 99345 22 73
Vilo'at Milliy banki MFO 00363
h/r 2020 8000 7007 0875 1001
inn 304528 920

Guliston shahri.

« 03 » сентябрь 2022 йил

YIG'MA EKSPERT XULOSA № 65-03-TP-22

по объекту:


Доп.смета на текущий ремонт
здания " Народная приемная Президента
Республики Узбекистан". МФЙ Шодлик в г. Гулистане. Ул И. Каримова-41А
г. Гулистан. Сырд. область.

Заказчик: Хокимият города Гулистан
Генпроектировщик: "GULISTON NAMUNALI LOYIHA" MChJ
и его Лицензия litsenziya: AL-001272 15-07-2020 yil

Источник финансирования: Бюджетные средства
Генеральный подрядчик: На основе выбора заказчика
Вид строительно-монтажных работ Доп.смета на текущий ремонт

Основания для проектирования (ШНК1.03.01-16 п. 1.11. и п. 1.12)

Задания на проектирование объекта:	ИМЕЕТСЯ
Договор подряда между Заказчиком и Проектировщиком	НЕ ПРЕДСТАВЛЕН
Дефектный акт или Ведомость объема	ИМЕЕТСЯ
Материалы представленные на экспертизу:	
Стартовая стоимость объекта (без НДС и без затрат заказчика)	26 119 728 сум
Стоимость строительства с НДС и с затратами заказчика	30 895 204 сум
копия: Письма заказчика на проведение Экспертизы	ИМЕЕТСЯ
копия: Задания на проектирование объекта:	ИМЕЕТСЯ
копия: Лицензии разработчика	ИМЕЕТСЯ
Ведомость объемов	ИМЕЕТСЯ
ПСД -Локально ресурсная ведомость. Сводно-ресурсная ведомость.	ИМЕЕТСЯ



Расчет стоимости.

По ШНК 4.01.16-09 «Правила по определению стоимости строительства в договорных текущих ценах».

Заработная плата за 1 чел.-час с соц.страх 12% за 1кв-21г.	19610,1136 сум
Прочие затраты подрядчика	17,27%
НДС	15,00%

Краткое содержание проектно-сметных решений

Фасад

Очистка от старой краски

Ремонт штукатурки
 Огрунтовка стен
 Шпатлевка стен
 Окраска ПВА водоэмульсион.
 Отбивка штукатурки цоколя
 Штукатурка цоколя
 Облицовка керамогранитом
 Масляная окраска метал. лестниц
 Промывка окрышенных масляной краской парапетов водой
 Окраска парапетов масляной краской за 2 раза
 Козырек КЗ-3 Главный вход
 Разборка шифера
 Разборка обрешетки
 Устройство кровли из шифера с устройством обрешетки
 Промывка окрышенных масляной краской парапетов козырька водой
 Окраска парапетов козырька масляной краской за 2 раза
 Электроосвещение
 Светильники
 Ограждение
 Окраска масляными красками мметалла
 КПП. наружная отделка
 Очистка от старой краски
 Огрунтовка стен
 Шпатлевка стен
 Окраска ПВА водоэмульсион.

В ы в о д ы

По объекту:

Доп.смета на текущий ремонт
 здания " Народная приемная Президента
 Республики Узбекистан". МФЙ Шодлик в г. Гулистане. Ул И. Каримова-41А
 г. Гулистан. Сырд. область.

Замечаний заказчика по ПСД данного объекта нет.

С учётом внесения проектировщиком в ПСД замечаний экспертизы,

проект рекомендуется к утверждению

со следующими показателями

Стартовая стоимость строи-ва в договорных текущих ценах после внесения изменений

№№	Наименование затрат	ВСЕГО	в том числе		
			СМР	Оборуд.	Прочее
1	2	3	4	5	6
	Сто-ть стр-ва без НДС с прочими заказчик	26 086 987	26 086 987	0	0
	Сто-ть стр-ва с НДС с прочими заказчик	30 000 035	30 000 035	0	0


Директор ООО «ALI ADONIS PLUS»

Шеркузиев З.А

Эксперт:

Полстянов В.М.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SIRDARYO VILOYAT
GULISTON SHAHRI
HUJANAZAROV- 39 kuchasi
ALI ADONIS PLYS M.Ch J



tel. 99345 22 73
Vilo'at Milliy banki MFO 00363
h/r 2020 8000 7007 0875 1001
inn 304528 920

Guliston shahri.

« 03 » март 2022йил

ЕКСПЕРТИЗАДАН KEYIN IZOHLAR 65-03-TP-22

по объекту:

Доп.смета на текущий ремонт
здания " Народная приемная Президента
Республики Узбекистан". МФЙ Шодлик в г. Гулистане. Ул И. Каримова-41А
г. Гулистан. Сырд. область.

Справочно:

Задание на проектирование, является 1-основанием для разработки ПСД.

Задание не соответствует ШНК 1.03.01-16 "Состав, порядок разработки, согласования...
... на капитальное строительство предприятий, зданий и сооружений. п.1.11.

Нет договора подряда между Заказчиком и Проектировщиком, который является
2- основанием для разработки ПСД. смотри п.1.11 ШНК 1.03.01-16

Поэтому, ПИР определяется по ШНК4.01.16-09.

Категория сложности объекта строительства по ШНК4.01.16-09. "Правила
по определению стоимости строительства в договорных текущих ценах."(Приложение-2)

Замечания по экспертизе ПСД объекта.

Сметы.

Пересчитать смету согласно прилагаемому Расчету

ВЫВОДЫ

По объекту:

Доп.смета на текущий ремонт
здания " Народная приемная Президента
Республики Узбекистан". МФЙ Шодлик в г. Гулистане. Ул И. Каримова-41А
г. Гулистан. Сырд. область.

Замечаний заказчика по ПСД данного объекта нет.

С учётом внесения проектировщиком в ПСД замечаний экспертизы,

проект рекомендуется к утверждению

со следующими показателями

Стартовая стоимость строи-ва в договорных текущих ценах после внесения изменений

Трудозатраты 866,562292 ч-час

№№	Наименование затрат	ВСЕГО	в том числе		
			СМР	Оборуд.	Прочее
1	2	3	4	5	6
	Сзп-Заработная плата СС 12%	13 071 360	13 071 360		
	Сэм-Затраты на машины и механ.	60 636	60 636		
	См-Затраты на материалы без каб.провод.продук.	8 679 275	8 679 275	=8705865-26590	
	См-Затраты на материалы без каб.провод.продук.	8 679 275	8 679 275		
	См-Затраты на транспортировку материалов 5%	433 964	433 964		
	См-Затраты на загот.-складск. расходы 0%	0	0		
	См-Затраты на каб.-провод. продукцию	0	0		
	См-Транспорт. кабельно-провод. продукции 1,5%	0	0		
	См-Затраты на загот.-складск. расходы 0%	0	0		
	ИТОГО См-Затраты на материалы	9 113 239	9 113 239		
	Со-Затраты на оборудование, мебель	0		0	
	Со-Затраты на транспорт. оборудования 2%	0		0	
	См-Затраты на загот.-складск. расходы 0%	0		0	
	ИТОГО	22 245 235	22 245 235	0	
	Пп-ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПОДРЯДЧИКА 17,27%	3 841 752	3 841 752		
	ИТОГО СМР ДЛЯ ОПРЕДЕЛЕНИЯ СТРАХОВКИ СТР-ВА	26 086 987	26 086 987	0	
	Ср-Страхов. расходы-нет в Задании	0	0		0
	ИТОГО СТАРТОВАЯ СТОИМ-ТЬ С КОЭФ. Кр= 1,00	26 086 987	26 086 987	0	0
	ИТОГО	26 086 987	26 086 987	0	0
	НДС = 15%	3 913 048	3 913 048	0	0
	Итого сто-ть в догов. текущих ценах с НДС	30 000 035	30 000 035	0	0
	Прочие затраты заказчика в том числе:	0			0
	1. Стоимость ПИР				0
	2. Стои-ть Экспертизы (1 -БРВ)	0			0
	3. затраты на ИКСС от СМР 30000035 x 0,2% =	0			0
	4. шаффоф курилиш от общей 30000035 x 0,05% =	0			0
		0			0
	Сто-ть стр-ва без НДС с прочими заказчика	26 086 987	26 086 987	0	0
	Сто-ть стр-ва с НДС с прочими заказчика	30 000 035	30 000 035	0	0

Заказчику проверить внесение в ПСД указанных выше замечаний экспертизы.

Проектировщику сообщить письмом о внесении в ПСД указанных выше замечаний экспертизы.

Директор ООО «ALI ADONIS PLUS»  Шеркузиев З.А

Эксперт:  Полстянов В.М.



Пересчет затрат

Доп.смета на текущий ремонт

здания " Народная приемная Президента

Республики Узбекистан". МФЙ Шодлик в г. Гулистане. Ул И. Каримова-41А

г. Гулистан. Сырд. область.

№ п/п	Обоснование (Код ресурса)	Наименование ресурсов	Ед. изм.	Количество	Старые		Новые	
					Цена	Стоимость	Цена	Стоимость
1	2	3	4	5	6	7	6	7
СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАШИНЫ И МЕХАНИЗМЫ								
	112	автопогрузчик	маш-час	0,1344	72437	9 736	0	0
	664	компрессоры	маш-час	8,461508	169,85	1 437	0	0
	975	лебедки электрические	маш-час	0,494825	1207	597	0	0
	1572	пистолет-распылитель	маш-час	16,923015	949,78	16 073	0	0
	2499	автомобиль 5тн	маш-час	0,466027	54548	25 421	0	0
	2510	автомобиль 8тн	маш-час	0,0272	71069	1 933	0	0
		ИТОГО маш-мех				55 197		0
		Разница						-55 197
СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И КОНСТРУКЦИИ								
	Цена	керамогранит	м2	16	115 000	1 840 000	117 295	1 876 726
	12220	раствор м-150	м3	0,00448	347 684	1 558	0	0
	30405	гвозди толевые	т	0,000106	9 000 000	954	0	0
	30434	дюбеля распорные	100шт	0,0816	35 000	2 856	0	0
	30658	волокнистые вещества	кг	0,816	35 000	28 560	0	0
	31048	краска вл-нц-240	т	0,046169	75 000 000	3 462 675	76 497 000	3 531 790
	31133	краска вэка-240	т	0,188034	6 957 000	1 308 153	7 095 862	1 334 263
	32501	поковка из квадрат. загонтовок	т	0,00028	6 838 921	1 915	0	0
	32507	поковка ошнк.	т	0,00056	6 838 921	3 830	0	0
	33731	сталь оцинков. листовая	т	0,001602	10 300 000	16 501	0	0
	35512	пемза	м3	0,023257	150 000	3 489	0	0
	44059	ветошь	кг	0,46109	4 000	1 844	0	0
	45037	смесь сухая	т	0,0032	6 000 000	19 200	0	0
	64585	прокладки толевые	шт	28	500	14 000	0	0
	64931	розетки потолочные	100шт	0,0204	38 000	775	0	0
	65155	сжимы ответвительные	100шт	0,0408	26 000	1 061	0	0
	65729	шаблоны коньковые	шт	1,12	150	168	0	0
	97117	изолента	кг	0,0062	5 600	35	4 500	27
	99999	мусор строительный	т	4,4184	1 500	6 628	0	0
						0		0
		ИТОГО материалы				6714200		6 742 807
		Разница						28 607
		ИТОГО РАЗНИЦА						-26 590

Эксперт

